

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТКАРИМОВА НАЗОКАТ АДИБЕКОВНА**

**Co (II), Ni (II) VA Cu (II) ТУЗЛАРИНИНГ ТИАЗОЛ ҲОСИЛАЛАРИ ВА**  
**ТИАМИН БИЛАН МОНО- ВА АРАЛАШЛИГАНДЛИ**  
**КОМПЛЕКСЛАРИ СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ, ХОССАЛАРИ**

**02.00.01-Ноорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on chemical sciences**

**Маткаримова Назокат Адилбековна**

Co(II), Ni(II) va Cu(II) тузларининг тиазол ҳосилалари ва тиамин билан  
моно- ва аралашлигандли комплекслари синтези, тузилиши, хоссалари.... 3

**Маткаримова Назокат Адилбековна**

Синтез, строение, свойства моно- и разнолигандных комплексов  
производных тиазола и тиамина с солями Co(II), Ni(II) и Cu(II) ..... 21

**Matkarimova Nazokat**

Synthesis, structure, properties of mono- and mixed-ligand complexes of  
thiazole derivatives and thiamine with Co (II), Ni (II) and Cu (II) salts ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТКАРИМОВА НАЗОКАТ АДИБЕКОВНА**

**Co (II), Ni (II) VA Cu (II) ТУЗЛАРИНИНГ ТИАЗОЛ ҲОСИЛАЛАРИ ВА  
ТИАМИН БИЛАН МОНО- ВА АРАЛАШЛИГАНДЛИ  
КОМПЛЕКСЛАРИ СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ, ХОССАЛАРИ**

**02.00.01-Ноорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/K105 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Парпиев Нусрат Агзамович**

кимё фанлари доктори, профессор, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Даминова Шахло Шариповна**

кимё фанлари доктори, доцент

**Фатхуллаева Муяссар**

кимё фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Умумий ноорганик кимё институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, (998 71) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)246-07-88; 227-12-24, факс:(+99871)246-53-21, 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**З.А. Сманова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси к.ф.д., профессор

**Д.А. Гафурова**

Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

**Ш.А.Кадирова**

Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда бутун дунёда биологик фаол бирикмаларнинг биоген металллар билан металлокомплексларини синтез қилишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Бундай металлокомплекс бирикмалардан тиббиётда биологик фаол моддалар, антиоксидантлар, турли саноат тармоқларида бўёқлар, қишлоқ хўжалигида стимуляторлар, пестицид ва гербицидлар, коррозия ингибиторлари сифатида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда юқори самарали ва комплекс таъсирга эга биологик фаол моддалар ва стимуляторлар синтез қилишнинг шароитларини оптималлаштириш бўйича кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ўсимликларнинг вегетатив даврини қисқартириш, уларнинг ҳосилдорлигини оширувчи стимуляторлар яратиш бўйича илмий ечимларни асослаш, гетероҳалқали полидендат лигандлар билан металлокомплекс бирикмаларни синтез қилишнинг қулай шароитларини ишлаб чиқиш, уларнинг таркиби ва хоссаларини аниқлаш, марказий ионга лигандларни координацияланиши ва улар билан ҳосил қилган боғ табиати ҳамда ушбу бирикмаларнинг физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш долзарб масала ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда маҳаллий хомашёлар асосида юқори самарали, импорт ўрнини босадиган, арзон, ўсимликларнинг вегетатив даврини қисқартириш ва ўсишини стимуляциялаш қобилиятига эга янги турдаги воситаларни яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш борасида қатор натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»<sup>1</sup>га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширувчи, уларнинг вегетатив даврини ва транспирация жараёнини қисқартирувчи ҳамда сувни тежовчи янги турдаги арзон препаратларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарорини ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Муаллиф, ушбу диссертация ишини бажаришда унга амалий ёрдам кўрсатган к.ф.д., проф. Ш.А.Кадирова ва к.ф.н., к.и.х. Ш.Б. Ҳасановга чуқур миннатдорчилик билдиради.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё, кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё илм-фанида тиазолин ҳосилалари ва бошқа гетероциклик бирикмаларнинг металллар билан комплексларини тадқиқотчилар Weiqing Mao Li, Xiang Yaofeng Chen, Dahale N.D., Chawla K.L., Venugopal V., Aubert T., Ledneva A., Grasset F ва бошқа таниқли олимларнинг илмий изланишлари бағишланган.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва бошқа соҳаларда қўлланилаётган қатор биологик фаол металлокомплекс бирикмаларни синтез қилиш, тузилиши ва хоссаларини аниқлашга, академик Н.А.Парпиев, Х.Т.Шарипов, Т.А.Азизов, Б.Б.Умаров, Х.Х.Тураев, Ш.А.Кадирова, З.Ч.Кадирова, Ш.Ш.Даминова каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Бу олимларнинг тадқиқотларида таркибида кислород, азот, олтингугурт тутган органик лигандлар, Шифф асослари, олти аъзоли гетероциклик бирикмаларнинг турли ҳосилалари асосида биоген металллар билан металлокомплекс бирикмалар синтезлари амалга оширилган.

Гетероциклик бирикмалар асосида координацион бирикмалар олиш соҳасида қилинган ишларда иккита гетероатом тутган беш аъзоли бирикмаларнинг ҳосилалари билан бир ва аралаш лигандли металлокомплекс бирикмалар етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли тиазол ҳосилалари ва тиамин билан биоген металлларни аралаш лигандли комплексларини синтез қилиш ва биологик фаоллигини аниқлаш алоҳида илмий қизиқиш касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишларини режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг №АМ-ФЗ-2017102347 «Гидролизланган фиброин асосида нанометалл ушлаган бактерицид материаллар олиш усулини ўрганиш ва ўзлаштириш» (2017-2019 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кобальт(II), никель(II), мис(II) тузларининг тиазол ҳосилалари ва тиамин билан моно- ва аралаш лигандли металлокомплексларини синтез қилиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва тузилишини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кобальт(II), никель(II), мис(II) тузларининг тиазол ҳосилалари ва тиамин билан аралаш лигандли металлокомплексларини синтез қилиш;

синтез қилинган металлокомплекс бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва хоссаларини физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида аниқлаш;

кобальт(II), никель(II) ва мис(II) тузларининг аралаш лигандли металлокомплекс бирикмаларини геометрияси, энергетик параметрлари ва реакцион қобилиятини квант - кимёвий усуллар ёрдамида ҳисоблаш;

синтез қилинган моддаларнинг биологик фаоллигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** кобальт(II), никель(II), мис(II) тузларини тиазол ҳосилалари ва тиамин билан металлокомплекслари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** гетероҳалқали лигандлар ва уларнинг биоген металллар билан металлокомплекс бирикмаларнинг синтез қилиш усуллари, таркиби, тузилиши, индивидуаллиги, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари** сифатида элемент, энергия-дисперсион (СЭМ-ЭДТ), дифференциал термик, рентгенфазавий, электрон (ДҚЭС), ИҚ-спектроскопия, замонавий квант-кимёвий ҳисоблаш ҳамда биологик фаолликни аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Co(II), Ni(II) ва Cu(II) тузларининг тиазол ҳосилалари ва тиамин билан янги моно ва аралашлигандли 18 та янги металлокомплекс бирикмалар синтез қилинган;

илк бор 2-меркаптобензтиазолнинг кобальт(II) хлоридли янги комплекс бирикмасининг рентген нурлари дифракциясига асосланган структуравий усули ёрдамида кристалл тузилиши аниқланган;

элемент, дифференциал-термик, рентгенфазавий, структуравий, ИҚ-, ДҚЭС ва СЭМ-ЭДТ таҳлил усуллари ёрдамида металлокомплексларнинг таркиби, тузилиши ва хоссалари таҳлил қилиниб, лиганд табиати таъсиридан тетраэдр ҳамда октаэдр тузилишли металлокомплекс бирикмалар ҳосил бўлиши исботланган;

Co(II), Ni(II), Cu(II) нинг тиамин ва тиазол ҳосилалари билан олинган комплекс бирикмаларининг термик таҳлиллари асосида Co(II)<Ni(II)<Cu(II) қаторида комплексларнинг термик барқарорлиги ортиб бориши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Co(II), Ni(II), Cu(II) тузларининг тиазол ҳосилалари ва тиамин билан янги аралашлигандли металлокомплекс бирикмаларини синтез қилишнинг оптимал параметрлари аниқланган;

синтез қилинган янги металлокомплексларда координацион тугунининг тузилиши, лигандларнинг координацияланиш марказлари, биологик фаоллик намоён қилиш қобилиятлари аниқланган;

квант-кимёвий ҳисоблашларга асосланган ҳолда синтез қилинган бирикмаларнинг энергетик параметрлари, электрон зичликнинг тақсимланиши ва реакцион марказлар ҳисоблаб топилган;

ғўза ва буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатувчи Т.Н-Ni ва Т.Н-Cu стимуляторлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** электрон, ИҚ-спектроскопия, элемент, энергия-дисперсион, рентгенфазавий, дифференциал термик, структуравий ва биологик таҳлил ҳамда квант-кимёвий ҳисоблашлар каби замонавий тадқиқот усуллари билан исботланган. Хулосалар тажриба натижаларини таҳлили асосида қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Co(II), Ni(II), Cu(II) тузларининг тиазол ҳосилалари ва тиамин билан янги аралашлигандли металлокомплекс

бирикмаларини синтез қилишнинг оптимал шароитлари аниқланганлиги, янги металлокомплекс бирикмаларининг таркиби, тузилиши, барқарорлиги ва хоссаларини аниқланганлиги ҳамда хулосаларни замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари натижаларига таянган ҳолда амалга оширилганлиги ва металлокомплекс бирикмалар кимёсини назарий жиҳатдан бойитганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ хўжалиги экинларини ўстирувчи ва ҳосилдорликни оширувчи юқори самарали стимулятор яратилганлиги ва ишлаб чиқилган синтез усуллари ҳамда олинган назарий материалларни давлат илмий-техник лойиҳаларни бажаришда қўлланилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Co(II), Ni(II), Cu(II) тузларининг тиазол ҳосилалари ва тиамин билан янги аралашлигандли металлокомплекс бирикмаларининг синтези, физик-кимёвий ҳамда биологик хоссаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

T.H-Ni ва T.H-Cu стимуляторлари Хоразм вилояти Янгибозор тумани фермер хўжаликларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 августдаги 02/025-2617-сонли маълумотномаси). Натижада, ғўзанинг униб чиқишини 1-2 кунга тезлаштириш, ҳосилдорликни шаклланиши ва пишиб етилиши 3-5 кунга ҳамда кўсакларнинг очилишини 5-7 кунга қисқартириш, ҳосилдорлик гектарига 3-5 центнерга ошириш имконини берган;

ОТ-Ф7-45 рақамли “Металларнинг янги гетероҳалқали полифункционал биологик фаол лигандлар билан қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда қўллаш учун полиэдрининг маълум тузилиш ва функционалликка эга бўлган координацион бирикмаларининг йўналтирилган синтези” мавзусидаги фундаментал лойиҳада металлокомплексларнинг синтез қилиш усулларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 08 февралдаги 89-06-225-сон маълумотномаси). Натижада, янги металлокомплексларни синтез қилиш услуги ва фазовий тузилиши ҳамда хоссаларини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та илмий мақола, жумладан 1 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқотнинг объект ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мос келиши, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, эришилган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Оралиқ металлларнинг тиазол ҳосилалари билан координацион бирикмалари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида, тиазол ҳосилалари ва тиаминнинг оралиқ металллар билан комплекс бирикмалари синтези, тузилиши ва хоссалари келтирилган. Бунда 4d-металлар билан комплекс бирикмалар таҳлили келтирилган, 3d-металлар билан координацион бирикмалари етарлича ўрганилмагани ва бу йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурати мавжудлиги асосланган.

Диссертациянинг **“Co (II), Ni (II) ва Cu (II) тузларининг тиазол ҳосилалари ва тиамин билан моно- ва аралашлигандли комплекслари синтези (тажриба қисми)”** деб номланган иккинчи бобида тиазолин ҳосилалари ва тиамин билан Co (II), Ni (II) ва Cu (II) тузларининг координацион бирикмаларини синтез қилиш методикаси ва синтез қилинган бирикмаларнинг элемент таҳлили натижалари кўрсатилган.

3d-Металларнинг тиазолин ҳосилалари ва тиамин билан комплексларини синтез қилиш учун 0,012 моль тиазолин ҳосилалари ва тиамин сувда эритилди ва 0,012 моль калий гидроксид тутган сувли эритма қўшилди. Олинган аралашмага аралаштириб турган ҳолда 0,0065 моль 3d-металл тузлари тутган сувли эритма қўшилди. Олинган реакцион аралашма 0,5 соат давомида аралаштирилди ва тиндириб қўйилди. 24 соатдан кейин чўкма Бюхнер воронкасида вакуум остида филтрлаб олинди. Олинган чўкма дистилланган сув билан 3 марта ювилди ва қуритиш шкафида 0,5 соат давомида доимий массагача қуритилди. Унум 55,7-75,9% ташкил қилди.

Аралаш лигандли комплекслар синтезини амалга ошириш учун тиазол ҳосилаларининг калийли тузлари тайёрланди. Бунинг учун дастлаб ҳосилалар 1:1 нисбатда калий гидроксид эритмаси билан аралаштирилди. Олинган калийли тузлар металл тузининг сувли эритмаси билан уч оғизли колбада аралаштириб туриб, томчилатиб таъсирлаштирилди. Олинган эритма 30 дақиқа давомида қиздирилиб аралаштирилди ва 12 соатга қолдирилди. Ҳосил бўлган чўкма Бюхнер воронкасида вакуум остида филтрланди ва 30 дақиқа давомида қуритиш шкафида доимий массагача қуритилди. Унум 55,2-80,2% ташкил қилди.

Синтез қилинган бирикмаларнинг рентген-флуоресцент таҳлили ўтказилди ва таркиби аниқланди (1-2 жадваллар).

1-жадвал

**Кобальт(II), никель(II) ва мис(II) нинг 2-меркаптотиазолин, 2-меркаптобензтиазол ҳамда тиамин билан  
комплексларининг элемент таҳлили**


Бирикма	Ме, %		S, %		N, %		C, %		H, %		Cl, %		Комплекс ранги	Реакци я унуми, %	Брутто формула
	Топилиди	Ҳисобланди													
[Co(L <sup>1</sup> ) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]	15,18	15,09	32,84	32,74	7,73	7,16	42,40	42,97	2,67	2,05	-	-	Қизил	56,7	CoC <sub>14</sub> H <sub>12</sub> N <sub>2</sub> S <sub>4</sub> O <sub>2</sub>
[Co(L <sup>2</sup> ) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]	19,97	20,14	43,86	43,69	8,06	9,56	24,79	24,57	2,46	2,04	-	-	Пушти	68,8	CoC <sub>6</sub> H <sub>10</sub> N <sub>2</sub> S <sub>4</sub> O <sub>2</sub>
[Co(L <sup>3</sup> ) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ] Cl <sub>2</sub>	13,22	13,14	27,15	28,5	5,99	6,2	25,40	26,7	2,11	2,4	15,1	15,8	Пушти	75,9	CoC <sub>10</sub> H <sub>11</sub> N <sub>2</sub> S <sub>4</sub> O <sub>2</sub> Cl <sub>2</sub>
[Ni(L <sup>1</sup> ) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]	15,18	15,09	32,84	32,74	7,73	7,16	42,40	42,97	2,67	2,05	-	-	яшил	65,4	NiC <sub>14</sub> H <sub>12</sub> N <sub>2</sub> S <sub>4</sub> O <sub>2</sub>
[Ni(L <sup>2</sup> ) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O)]	19,97	20,14	43,86	43,69	8,06	9,56	24,79	24,57	2,46	2,04	-	-	Оч яшил	69,5	NiC <sub>6</sub> H <sub>10</sub> N <sub>2</sub> S <sub>4</sub> O <sub>2</sub>
[Ni(L <sup>3</sup> ) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ] Cl <sub>2</sub>	13,2	13,4	27,15	28,7	5,99	6,2	25,40	26,7	2,16	2,4	15,5	15,76	Жигар ранг	65,7	NiC <sub>10</sub> H <sub>11</sub> N <sub>2</sub> S <sub>4</sub> O <sub>2</sub> Cl <sub>2</sub>
[Cu(L <sup>1</sup> ) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]	16,18	16,16	32,84	32,32	7,73	7,07	42,40	42,42	1,67	2,02	-	-	Ҳаво ранг	55,7	CuC <sub>14</sub> H <sub>12</sub> N <sub>2</sub> S <sub>4</sub> O <sub>2</sub>
[Cu(L <sup>2</sup> ) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]	20,97	21,47	43,00	42,95	9,06	9,39	24,79	24,16	2,05	2,01	-	-	Яшил	73,4	CuC <sub>6</sub> H <sub>10</sub> N <sub>2</sub> S <sub>4</sub> O <sub>2</sub>
[Cu(L <sup>3</sup> ) <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ] Cl <sub>2</sub>	15,22	14,1	30,15	28,2	6,25	6,17	25,2	26,4	2,16	2,42	15,2	15,64	Яшил	61,2	CuC <sub>10</sub> H <sub>11</sub> N <sub>2</sub> S <sub>4</sub> O <sub>2</sub> Cl <sub>2</sub>

2-жадвал


**Co (II), Ni (II) ва Cu (II)нинг 2-меркаптотиазолин, 2-меркаптобензтиазол ҳамда тиамин билан аралаш лигандли  
комплексларининг элемент таҳлили**

Бирикмалар	Ме, %		S, %		N, %		C, %		H, %		Cl, %		Комплекс ранги	Реакция унуми, %	Брутто формула
	Топилиди	Ҳисобланди													
[CoL <sup>1</sup> L <sup>2</sup> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]	17,28	17,25	37,48	37,43	8,37	8,19	35,04	35,09	2,76	2,05	-	-	Тўқ кизил	60,7	CoC <sub>10</sub> H <sub>11</sub> N <sub>2</sub> S <sub>4</sub> O <sub>2</sub>
[Co <sup>•</sup> L <sup>1</sup> L <sup>3</sup> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> Cl]	11,79	10,2	30,76	33,1	7,52	7,27	33,97	35,2	2,8	2,6	6,2	6,12	Қизил	62,8	CoC <sub>17</sub> H <sub>15</sub> N <sub>3</sub> S <sub>6</sub> O <sub>2</sub> Cl
[Co <sup>•</sup> L <sup>2</sup> L <sup>3</sup> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> Cl]	12,22	11,12	36,05	36,19	8,02	7,92	30,1	29,4	2,11	2,64	6,01	6,7	Пушти	65,5	CoC <sub>13</sub> H <sub>14</sub> N <sub>3</sub> S <sub>6</sub> O <sub>2</sub> Cl
[Ni L <sup>1</sup> L <sup>2</sup> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]	17,28	17,25	37,48	37,43	8,37	8,19	35,04	35,09	2,76	2,05	-	-	Оч яшил	62,5	NiC <sub>10</sub> H <sub>11</sub> N <sub>2</sub> S <sub>4</sub> O <sub>2</sub>
[Ni L <sup>1</sup> L <sup>3</sup> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> Cl]	11,79	10,2	30,76	33,1	7,52	7,27	33,97	35,2	2,28	2,6	6,01	6,12	яшил	65,5	NiC <sub>17</sub> H <sub>15</sub> N <sub>3</sub> S <sub>6</sub> O <sub>2</sub> Cl
[Ni L <sup>2</sup> L <sup>3</sup> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> Cl]	12,02	11,12	36,15	36,19	8,19	7,92	30,1	29,4	2,15	2,64	6,09	6,7	Кўк яшил	60,0	NiC <sub>13</sub> H <sub>14</sub> N <sub>3</sub> S <sub>6</sub> O <sub>2</sub> Cl
[Cu <sup>•</sup> L <sup>1</sup> L <sup>2</sup> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]	18,67	18,44	37,00	36,89	8,00	8,07	34,76	34,58	2,14	2,02	-	-	Ҳаво ранг	65,7	CuC <sub>10</sub> H <sub>11</sub> N <sub>2</sub> S <sub>4</sub> O <sub>2</sub>
[Cu <sup>•</sup> L <sup>1</sup> L <sup>3</sup> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> Cl]	11,79	11,95	30,76	33,1	7,52	7,27	33,97	35,2	2,28	2,6	6,01	6,12	Оч яшил	63,4	CuC <sub>17</sub> H <sub>15</sub> N <sub>3</sub> S <sub>6</sub> O <sub>2</sub> Cl
[Cu <sup>•</sup> L <sup>2</sup> L <sup>3</sup> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> Cl]	12,02	11,92	36,15	36,19	8,19	7,92	30,1	29,1	2,15	2,64	6,19	6,7	Оч яшил	61,2	CuC <sub>13</sub> H <sub>14</sub> N <sub>3</sub> S <sub>6</sub> O <sub>2</sub> Cl

Лиганд ва синтез қилинган комплекслардаги элементларнинг миқдорлари (углерод, азот, кислород, олтингугурт ва металл) SEM-EDT методи ёрдамида анализ қилинди. Анализдан олинган маълумотларда кобальтнинг аралаш лигандли комплекси таркибидаги Co, C, N ва S элементларининг фоиз миқдорларилари тегишлича: Co-15 %, C-24,9 %, N-9,3 %, O-10 % ва S-40,5 % миқдорларга тенг эканлиги аниқланди (2-расм), бу эса  $\text{CoC}_{14}\text{N}_6\text{O}_4\text{S}$  таркибли брутто формуласига мос келди. Келтирилган формулага асосланиб комплекс таркиби  $[\text{CoL}^1_2(\text{H}_2\text{O})_2]$  координацион формула билан ифодаланди (2-расм).



1-расм. 2-меркаптобензтиазолнинг ( $\text{L}^1$ ) микроструктураси (а) ва СЕМ-ЭДТ маълумотлари (б)



2-расм.  $[\text{CoL}^1_2(\text{H}_2\text{O})_2]$  комплекс бирикманинг микроструктураси (а) ва СЕМ-ЭДТ натижалари (б)


Диссертациянинг “Co(II), Ni(II), Cu(II) тузларининг тиазол ҳосилалари ва тиамин билан металлокомплексларини физик-кимёвий тадқиқоти ҳамда уларнинг биологик фаоллиги” деб номланган учинчи бобида кобальт (II), никель (II) ва мис (II) нинг тиазол ҳосилалари ва тиамин билан бир ҳамда аралаш лигандли координацион бирикмалари таҳлили натижалари келтирилган. Синтез қилинган бирикмалар тузилиши рентгенфазавий, ИҚ- ва

диффуз қайтарилишнинг электрон спектроскопияси ёрдамида таҳлил қилинган. Таҳлиллар асосида синтез қилинган бирикмаларнинг структуралари таклиф қилинган.

Кобальт (II), никель (II) ва мис (II) ионларининг тиазол ҳосилаларидан 2-меркаптотиазолин ва 2-меркаптобензтиазол ҳамда тиамин билан бир ва аралашлигандли комплекслари квант-кимёвий ҳисоблашлар орқали ўрганилди. Ҳисоблашлар Gaussian 09W, Gauss View 6.0.16 ва Avagadro 1.1 дастурларидан фойдаланилган ҳолда бажарилди. Молекула тузилишни оптимизацияси газ фазасидаги изоляцияланган молекулалар учун уч параметрли гибридли алмашилиш Бекке функционалли ва Ли-Янга-Парра корреляция функционалли (B3LYP) ва 6-311 G (d, p) {C, H, N, O, S} / Lan12DZ {M = Co} базислари билан DFT методида олиб борилди.


Бу методни танланишининг сабаби, метод содда ва кам ҳисоблашларни талаб қилиши билан бирга бошқа ҳисоблаш усулларига нисбатан юқори аниқликни беради. Lan12DZ базавий жамланмаси эса металлнинг асосий электронларининг сунъий потенциалларини ҳисоблашни ўзида жамлаган.

3-расмдаги қизил ва кўк рангдаги МЭП (молекуляр электростатик потенциал) схемалари мос равишда манфий ва мубат электростатик потенциаллардир. МЭП графигининг рангли схемасида қизил соҳа умумлашмаган электрон жуфтига эга ёки манфий электростатик потенциалли атомларни кўрсатади; рангнинг интенсивлиги потенциал энергия абсолют қийматига пропорционал бўлади. Мусбат электростатик потенциаллар кўк / сариқ соҳаларда кўрсатилган бўлиб, Э – Н боғларидаги қутбли водородни характерлайди. Яшил соҳалар молекуланинг электростатик потенциаллари нолга яқин бўлган қисмларини (C – C, C – N ва C – S боғлар) қамраб олади. 3-расмда L<sup>1</sup>, L<sup>2</sup> ва L<sup>3</sup> лигандларнинг молекулалари геометрик тузилиши, зарядлар ва МЭП тақсимланиши тасвирланган.



**3-расм. Лигандларнинг молекулалари геометрик тузилиши, зарядлар ва МЭП тақсимланиши**


Шундай қилиб, B3LYP / 6–311G (d, p) методи билан квант-кимёвий ҳисоблашлар асосида комплекс ҳосил қилиш реакциясида лиганд комплекс ҳосил қилувчи ионга тиазол ҳалқасининг учинчи ҳолатидаги азот атоми ҳисобига монодентатликни намоён қилган ҳолда координацияланиши тўғрисида хулоса чиқариш мумкин (4-расм). Ушбу назарий тахминлар кейинчалик тажриба маълумотлари билан тасдиқланди.



#### 4-расм. Комплексларда молекуляр электростатик потенциал (МЭП) соҳалари

Синтез қилинган бирикмаларни идентификациялаш учун эркин лигандлар ва синтез қилинган моддалар рентгенфазавий таҳлили ўтказилди ва олинган рентгенограммалар солиштирилиб, синтез қилинган моддалар индивидуаллиги исботланди.

Лигандлар учун мос текисликлараро масофалар қуйидаги соҳаларда кузатилди: 2-меркаптобензтиазол- 3,79 (100%), 3,15 (92%) ва 7,63 Å (77%), 2-меркаптотиазолин – 5,05 (100%), 2,52 (22%) ва 4,48 Å (20%). Синтез қилинган бирикмалар учун:  $[\text{Co}(\text{C}_7\text{H}_4\text{NS}_2)_2(\text{H}_2\text{O})_2]$  – 3,67 (100%), 3,77 (99%) ва 4,38 (92%) Å,  $[\text{Cu}(\text{C}_3\text{H}_3\text{NS}_2)_2(\text{H}_2\text{O})_2]$  – 11,38 (100%), 3,99 (46%) ва 4,15 Å (38%),  $[\text{Cu}(\text{C}_7\text{H}_4\text{NS}_2)_2(\text{H}_2\text{O})_2]$  – 11,69 (100%), 5,42 (51%) ва 7,18 Å (46%),  $[\text{Ni}(\text{C}_3\text{H}_3\text{NS}_2)_2(\text{H}_2\text{O})_2]$  – 9,40 (100%), 6,94 (89%) ва 8,66 Å (41%),  $[\text{Ni}(\text{C}_7\text{H}_4\text{NS}_2)_2(\text{H}_2\text{O})_2]$  – 11,15 (100%), 9,77 (85%) ва 8,68 Å (72%) (5-расм).




5-расм. Рентгенограммалар.  $\text{CoCl}_2$  (1),  $\text{L}^1$  (2) ва  $[\text{Co}(\text{L}^1)_2(\text{H}_2\text{O})_2]$  (3)

Олинган комплекс бирикмаларнинг ИҚ-спектрларини ўрганиш натижасида кобальт (II), никель (II) ва мис (II) нинг 2-меркаптотиазолин билан бир лигандли координацион бирикмаларида C-N боғларининг валент тебранишлари ўзгариши кузатилган, бунда C-N боғнинг валент тебранишлари 24-51  $\text{cm}^{-1}$  га ортган. C=N боғнинг тебраниш частоталари эса мос равишда 5-88  $\text{cm}^{-1}$  камайган. S-H боғи учун хос бўлган 2560  $\text{cm}^{-1}$  частотадаги ютилишлар йўқолган, бу эса ушбу боғ ўрнига металл атоми ион боғ билан бирикишини кўрсатади. 2-Меркаптотиазолинни кобальт, никель ва мис ионлари билан комплекслар ҳосил қилишида халқадаги азот атомлари қатнашишини, шунингдек тиогуруҳ олтингугурти ҳисобига ион боғланиш ҳосил бўлишини хулоса қилиш мумкин.

2-Меркаптобензтиазол билан олинган комплекс бирикмаларнинг ИҚ-спектрларида халқадаги C-N боғ валент тебранишларининг ютилиш частотаси 4-24  $\text{cm}^{-1}$  га ошиши, C=N боғнинг тебраниш частоталари 35-75  $\text{cm}^{-1}$  га камайиши қайд қилинди. S-H боғнинг 2560  $\text{cm}^{-1}$  соҳадаги частотаси йўқолиб, M-S боғга хос бўлган 428  $\text{cm}^{-1}$  соҳада ютилиш кузатилади. Бундан 2-меркаптобензтиазолнинг металллар билан комплексларида координацион боғ халқадаги азот атомлари орқали ҳосил бўлади, тиогуруҳдаги олтингугурт эса металл иони билан ион боғ ҳосил қила олганлигини хулоса қилиш мумкин (6-расм).


Тиаминнинг кобальт (II), никель (II) ва мис (II) тузлари билан ҳосил қилган комплексларида халқадаги азот атом валент тебранишларининг ютилиш частоталари 13-18  $\text{cm}^{-1}$  га камайиши, тиаминнинг металллар ионлари билан азот атоми орқали координацияланишини кўрсатади.



6-расм.  $[\text{Ni}(\text{L}^3)_2(\text{H}_2\text{O})_2]$  металлокомплексининг ИҚ-спектри

Дифференциал термик таҳлил ва адабиётлар маълумотларига кўра, 150-170°C оралиғида 2-меркаптотиазолиннинг парчаланиши, 200-230°C да 22-меркаптобензтиазолиннинг суюқланиши билан боғлиқ эндоэфектлар кузатилишини кўрсатди. Тиаминли комплексларда 230-270°C да координацион бирикманинг изомерланиши содир бўлиши аниқланди. Кейинги қиздиришларда координацион бирикмаларнинг тўлиқ парчаланиши, термолиз маҳсулотларининг ёниши ва металл оксидлари ҳосил бўлишига олиб келади.

$[\text{Cu}(\text{L}^2)_2(\text{H}_2\text{O})_2]$  бирикмасининг қиздириш эгрисида 200°C да битта эндоэфект ва тўртта экзотермик эффектлар 370°C, 407°C, 518°C ва 659°C ҳароратда аниқланди (3-жадвал). Эндоэфект 2-меркаптотиазолиннинг парчаланиши бошланишига мос келади. Кейинги термоэффектларнинг табиати тиазол ҳосиласининг парчаланиши ва парчаланиш маҳсулотларини ёниши, мис(II) оксидини ҳосил бўлиши билан тушунтирилади. 80-800°C ҳарорат оралиғида ТГ бўйича умумий масса йўқотилиши 85,61% ни ташкил қилди (7-расм).




7-расм  $[\text{Co}(\text{L}^2)_2(\text{H}_2\text{O})_2]$  дериватограммаси

**[Co(L<sup>2</sup>)<sub>2</sub> (H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>] нинг ДТГА ва ДСК эгри чизиғи натижалари таҳлили**


№	Температура, °C	Йўқотилган масса, %	Модданинг парчаланиш тезлиги, мг/мин	Сарфланадиган энергия миқдори(μV*s/mg))
1	50	0,825	0,136	1,46
2	100	3,885	0,555	2,54
3	200	7,055	0,653	2,21
4	300	14,15	0,487	3,22
5	400	31,85	1,147	2,02
6	500	52,69	0,455	3,03
7	600	76,81	1,499	1,65
8	700	84,01	2,156	1,21

Комплекс бирикмаларнинг нисбий молекуляр оғирлигини аниқлаш учун намуналар метанол эритмасида ЮЭСХ-масс спектрометрияси орқали таҳлил қилинди.

[Ni(L<sup>1</sup>)<sub>2</sub> (H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>] комплекс бирикмасининг масс-спектридан (8-расм) кўрииб турибдики, модданинг парчаланиши босқичли боради. Бунда 165.700 масса сонига тегишли чўққида ҳосил бўлиши комплекс таркибидаги C<sub>7</sub>H<sub>4</sub>NS<sub>2</sub> молекуланинг ажралиб чиқишига мос келади. Кейинги парчаланишлар турли нисбатларда металл:лиганд тутган комплексларгача ҳосил бўлишини кўрсатади. 391.700 даги чўққи эса тўлиқ комплексга мос келади. Масс-спектрометриядан олинган натижалари таклиф қилинаётган комплекснинг таркибига мос келиши ҳақидаги хулосаларимизни тасдиқлади.



**8-расм. [Ni(L<sup>1</sup>)<sub>2</sub> (H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>]масс-спектри**





[CoL<sup>1</sup><sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>] таркибли комплекс бирикманинг диффуз қайтарилишнинг электрон спектрида 13192 см<sup>-1</sup> ва 24500 см<sup>-1</sup> соҳаларда интенсив чизиқлар намоён бўлган. Электрон спектрда <sup>2</sup>E<sub>g</sub>(<sup>2</sup>T<sub>2g</sub>) → <sup>2</sup>A<sub>1g</sub> ва <sup>2</sup>T<sub>1</sub> ўтишлар мавжуд бўлиб, бу ўтишлар сиқилган октаэдр тузилишга мос келади. Ҳисоблаб топилган Рак параметрлари комплекс полиэдрнинг октаэдрик тузилишга мос келишини кўрсатади (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Асосий ўтишлар, чизиқларнинг тегишлилиги ва Рак параметрлари қийматлари**


Комплекс бирикма	Нуқтали гуруҳ	Асосий ўтишлар			Рак параметрлари	
		v <sub>1</sub>	v <sub>2</sub>	v <sub>3</sub>	Dq	B
[CoL <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]	Oh	32679	24500	13192	1490	616
[CoL <sup>2</sup> <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]	Oh	34843	14472	12547	1610	973
[CoL <sup>3</sup> <sub>2</sub> (H <sub>2</sub> O) <sub>2</sub> ]Cl <sub>2</sub>	Td	35460	19379	12062	1512	524



**9-расм. [CoL<sup>1</sup><sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>] ва [Co(L<sup>3</sup>)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>] комплексларининг диффузион қайтарилишнинг электрон спектрлари**

Тадқиқот давомида кобальт(II) ионини 2-меркаптобензтиазол билан ҳосил қилган комплексининг рентгенфазавий таҳлилидан олинган дифрактограммасини FullProf дастури орқали қайта ишлаш натижасида кристалл тузилиши аниқланди (5-жадвал). Олинган комплекснинг структуравий таҳлили ЎЗР ФА нинг Ядро физикаси институтининг “Қаттиқ жисмлар физикаси” лабораториясида амалга оширилди. Структуравий таҳлил натижаларига кўра, олинган комплекс бирикмада координацияланиш кобальт(II) иони ва 2-меркаптобензтиазол таркибидаги олтингугурт атомлари

ион боғ орқали, азот атомлари ва икки молекула сув таркибидаги кислород атомлари эса координацион боғ орқали бирикади. Бунда кобальт ионининг координацион сони 6 га тенг бўлиб, координацион тугун геометрияси октаэдр шаклда бўлиши аниқланди (10-расм).









10-расм.  $[\text{Co}(\text{C}_7\text{H}_4\text{NS}_2)_2(\text{H}_2\text{O})_2]$  комплекс полиэдрнинг кўриниши (а) ва элементларнинг жойлашиш тартиби (б)

5-жадвал

$[\text{Co}(\text{L}^1)_2(\text{H}_2\text{O})_2]$  комплексининг кристаллографик маълумотлари ва структураси деталлари

Параметр	Қийматлар	Параметр	Қийматлар
Формула	$[\text{Co}(\text{C}_7\text{H}_4\text{NS}_2)_2(\text{H}_2\text{O})_2]$		
Молекуляр масса	427	Т, °К	293
Сингония	Триклин	$\theta, ^\circ$	0.63
Фазовий гуруҳ	P 1	Интервал h,k,l	$-11 \leq h \leq 11,$ $-14 \leq k \leq 14,$ $-18 \leq l \leq 18$
a, Å	9.3667(9)	Рефлекс	12600
b, Å	11.6251(11)	Синдириш кўрсаткичи	3700
$\beta$	85.453(2)	$F^2 \geq 2\sigma(F^2)$ критерий	2444
V, Å <sup>3</sup>	1517.80(5)	параметр	370
D <sub>x</sub> , г/см <sup>3</sup>	1.514	R <sub>1</sub> , wR <sub>2</sub> (I>2σ(I))	0.0493, 0.0972, 1.06
$\mu(\text{CuK}\alpha), \text{мм}^{-1}$	1.75	$\Delta\rho_{\text{min/max}}, \text{e}\text{Å}^{-3}$	0.483, -0.456

Физик –кимёвий тадқиқотлар асосида олинган ва таҳлил қилинган натижаларга таяниб, қўлланилган синтез усулида моно- ва аралашлигандли металлокомплекслар ҳосил бўлиши кўрсатилди. Гетерохалқали лигандлар табиатига кўра монолигандли комплексларда  $O_h$  ва  $T_d$  тузилишдаги полиэдрлар ҳосил бўлиши аниқланди. Синтез қилинган комплекслар учун куйидаги тузилишлар таклиф этилди:

	Монолигандли комплекслар		Аралашлигандли комплекслар
L1		L1 L3	
L2		L1 L2	
L3		L3 L2	

Синтез қилинган координацион бирикмаларнинг стимуляторлик хоссалари ўрганилди ва уларнинг ичидаги буғдой ҳамда ғўза ҳосилдорлигини ошириш хусусиятига эга бўлган иккита биологик фаол комплекслар аниқланди. Полифункционал Т.Н-Ni ва Т.Н-Cu ўсиш стимуляторларининг тупрокдаги агрономик муҳим микроорганизмлар гуруҳларини (олиготрофлар, аммонификаторлар, бациллалар, минерал азотни ўзлаштирадиган бактериялар, актиномицетлар) ривожланишига таъсирини ва уларнинг буғдойни ривожланиши ва унумдорлигига таъсири ўрганилди.

5-жадвал

**Стимуляторни буғдой ҳосилдорлигига таъсири ц/га  
(уч йил учун ҳосилдорлик)**

№	Вариантлар	2018	2019	2020	Ўртача уч йилда	Фарқ
1	Назорат	50,4	53,4	52,6	52,1	-
2	T-86, 0,002%	55,8	59,4	58,6	57,9	5,8
3	T.Н-Ni, 0,002%	56,1	60,0	59,8	58,6	6,5
4	T.Н-Cu, 0,002%	56,3	60,1	60,0	58,8	6,7

Синтез қилинган стимуляторнинг самарадорлиги Хоразм вилояти Янгибозор тумани фермер хўжаликларида синовдан ўтказилди. Т.Н-Ni ва Т.Н-Cu стимуляторларининг 0.002% эритмаси билан буғдой донини ивитиби қўллашда униб чиқиш 1-2 кунга тезлашди. Ҳосилдорлик гектарига 5-7 центнерга ошди. Униб чиқиши, ҳосил элементларини шаклланишини тезлашиши натижасида 1 марта суғориш камайди. Буғдой учун стимуляторни қўллаш ҳосилдорликни 5-7 центнерга ортишига олиб келди. Уч йил давомидаги буғдойнинг ҳосилдорлик натижалари 5-жадвалда келтирилган.

Шундай қилиб, стимуляторларни қўллаш ўртача 5-7 центнерга ҳосилни оширади ва бу 12% ни ташкил қилади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор Co(II), Ni(II) ва Cu(II) тузларининг тиазол ҳосилалари ва тиамин билан 18 та янги моно- (M:L 1:2 нисбатда) ва аралаш-лигандли (M:L<sup>n</sup>:L<sup>m</sup> 1:1:1 нисбатда) координацион бирикмалар синтез қилинди, бунда полидентат лигандлар табиатига кўра, моно- ва бидентатликни намоён қилган нейтрал ва катионли комплекслар ҳосил бўлиши билан изоҳланади.

2. Лигандлар ва улар асосидаги комплексларнинг электрон тузилиши ва энергетик қийматлари Gaussian 09 дастурий пакети ёрдамида квант-кимёвий ҳисоблашлар орқали таҳлил қилинди ва оралиқ металл ионлари билан лигандларнинг афзалроқ координацияга кириша оладиган марказлари аниқланди, комплекслардаги координацион тугуннинг тузилиши ҳисобланди ҳамда полидентат лигандларнинг табиатига кўра, ички комплекс турдаги октаэдрик ва монодентат тетраэдрик тузилишдаги комплекслар ҳосил бўлиши тақриф этилди.

3. Лигандлар ва синтез қилинган комплексларнинг термик таҳлилидан термик деструкция маҳсулотлари идентификацияланди, комплексларнинг термолизи молекуланинг органик қисмининг ёниши, парчаланиш маҳсулотларининг оксидланиши ва металл оксидларининг ҳосил бўлиш босқичларида бориши ҳамда комплексларнинг термик барқарорлиги Cu(II) > Ni(II) > Co(II) каторида камайиб бориши изоҳланди.

4. Комплексларнинг электрон спектрлари таҳлилидан Co(II) ва Cu(II) ларининг L<sup>1</sup> ва L<sup>2</sup> лигандлар асосидаги комплексларида металл ионининг координацион қуршови Oh октаэдрик, L<sup>3</sup> билан эса Td тетраэдрик тузилиши тавсия этилди.

5. Илк бор структуравий таҳлил ёрдамида Co(II)ни 2-меркаптобензтиазол билан синтез қилинган [Co(C<sub>7</sub>H<sub>4</sub>NS<sub>2</sub>)<sub>2</sub>(H<sub>2</sub>O)<sub>2</sub>] комплекс бирикмасининг кристалл тузилиши ва координацион тугуннинг геометрияси октаэдрик шаклда эканлиги ва нейтрал турдаги комплекс тақиф этилди.

6. Биологик фаол препаратлар сифатида синалган Т.Н-Ni ва Т.Н-Cu комплекс бирикмалар ғўза ва буғдой ўсимликлари учун ўстирувчи хусусиятга эга эканлиги аниқланди ва қишлоқ хўжалиги ўсимликлари учун стимулятор сифатида тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.K.01.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА**

---

**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МАТКАРИМОВА НАЗОКАТ АДИБЕКОВНА**

**СИНТЕЗ, СТРОЕНИЕ, СВОЙСТВА МОНО- И РАЗНОЛИГАНДНЫХ  
КОМПЛЕКСОВ ПРОИЗВОДНЫХ ТИАЗОЛА И ТИАМИНА С  
СОЛЯМИ Co(II), Ni(II) И Cu(II)**

**02.00.01-Неорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тошкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/K105.

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (ik-kimyo.nuu/uz) и в Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Парпиев Нусрат Агзамович**

доктор химических наук, профессор, академик

**Официальные оппоненты:**

**Даминова Шахло Шариповна**

доктор химических наук, доцент

**Фатхуллаева Муяссар**

кандидат химических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Институт общей и неорганической химии**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном Университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Университет, д. 4. Тел.: (+99871) 246-07-88; факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru)

С диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального Университета Узбекистана (зарегистрировано за №\_\_\_\_). Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Университет, д. 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.

(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» ноября 2021 года)

**З.А. Сманова**

Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.х.н., профессор

**Д.А. Гафурова**

Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.х.н.

**Ш.А.Кадилова**

Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня во всем мире растет интерес к синтезу металлокомплексов биологически активных соединений с биогенными металлами. Важное значение имеет использование таких металлокомплексных соединений в медицине, как биологически активных веществ, антиоксидантов, в различных отраслях промышленности как красителей, в сельском хозяйстве в качестве стимуляторов, пестицидов и гербицидов, ингибиторов коррозии.

В мире ведется много исследований по оптимизации условий синтеза биологически активных веществ и стимуляторов с высокой эффективностью и комплексным действием. В связи с этим обоснование научных решений по сокращению вегетационного периода растений, созданию стимуляторов, повышающие их продуктивность, разработка благоприятных условий для синтеза металлокомплексных соединений с гетероциклическими полиденатными лигандами, определение их состава и свойств, координации центрального иона с лигандами и природу химических связей, а также определение физико-химических и биологических свойств этих соединений является актуальной проблемой.

В Республике для развития сельского хозяйства в стране достигнуты ряд результатов по разработке и внедрению новых видов высокоэффективных, импортозамещающих, недорогих препаратов на основе местного сырья, способных сократить вегетационный период и обладающих росто стимулирующими свойствами. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «углубление структурных реформ и динамичное развитие сельскохозяйственного производства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора»<sup>1</sup>. В связи с этим важно создание новых видов недорогих препаратов, повышающих урожайность сельскохозяйственных культур, сокращающих их вегетационный период и транспирацию, а также экономящих воду.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлении Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года №ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология»», а также в других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

---

